БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 136 (883)

7 ИЮЛЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Тошкентда Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунининг байрам қилиниши

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари традицион байрам бўлган Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини тантанали равишда нишонламоқдалар. 6 июлда, Горький номидаги Маданият ва истироҳат паркининг ёзги театрида Тошкент темир йўл бошқармаси, Тошкент узели ва транспорт саноати корхоналари ишчи ва мутахассисларининг кўп кишилик йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар завод ва фабрикаларининг новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни ва Тошкент темир йўли коллективининг вазифалари тўғрисида йўл бошлиги А. М. Қодиров доклад қилди.

Ўртоқ Қодиров Тошкент йўли корхоналари коллективларининг КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорига якдиллик билан маъқуллаганликларини қайд қилиб ўтди. Йиғилишларда қабул қилинган резолюцияларда темирйўлчилар Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши зарарли фаолиятига барҳам бериш учун кўрилган чораларни тамомила маъқулламоқдалар.

Ишчилар ва мутахассислар Улуғ Октябрнинг 40 йиллигига муносиб совға тайёрламоқдалар, олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар.

Тантанали қисмдан сўнг катта концерт қўйиб берилди. Концертда шаҳарнинг санъат усталари қатнашдилар. (ЎзТАГ).

Партия ва халқ бирлигининг қудратли кучи

Коммунизм қураётган ижодкор совет халқи КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси» тўғрисидаги қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва қизғин маъқулламоқдалар.

«Партия, — дейилади июнь Пленумининг қарорида, — Марказий Комитет раҳбарлиги остида, бутун халқнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, XX съезднинг халқ хўжалигини янада ривожлантиришга ва совет халқининг турмуш даражасини тобора юксалтиришга, партия ички ҳаётининг ленинча нормаларини тиклашга, революцион конунчиликни қиритмоқда. Партия кейинги йилларда оғир саноатни янада ривожлантиришга кўпроқ эътибор берди. Оғир саноатни устун даражада ривожлантиришдан иборат ленинча йўлни оғишмай амалга ошириш натижасида саноатимиз тез суръатлар билан ривожланмоқда. Кейинги 3-4 йил ичида Ўзбекистон ССРда пўлат ишлаб чиқариш 2 баравар, қора металлар прокатини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, кўмир чиқариш қарийб 2 баравар, электр қуввати ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта муваффақиятларга эришдик. 3 йил ичида 35 миллион гектар кўрик ва бўз ер ўзлаштирилди. Мамлакатда етиштирилаётган ғалла шу муддат ичида 2 миллиард 153 миллион пуд кўпайди. Пахта, зиғир, қант лавлаги, картошка ва сабзавот етиштириш соҳасида, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалик соҳасида қўлга киритилган катта муваффақиятлар натижасида халқ моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. СССРда миллий даромад 1956 йилда 1950 йилдагига нисбатан икки баравар ошди.

Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ўтган йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирдилар. Республикада фан ва маданият йилдан-йилга ривожланмоқда.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси жонажон Коммунистик партиямизнинг бирдан-бир тўғри сиёсат ўтказиб келаётганлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз илдам қадамлар билан коммунизм сари бормоқда. Ижодкор совет халқи коммунизм қурилишининг партиямиз XX съезди томонидан кўрсатиб берилган улуғвор вазифаларни муваффақият билан амалга оширмоқдалар.

Фақат партиянинг кейинги вақтларда амалга ошираётган улуғвор вазифаларини тушунмаган ва тушунишни истамаган амалпарастларгина совет халқи эришган муваффақиятларни, амалга ошираётган тадбирларни кўраолмадилар.

Республикамизда область, шаҳар, район партия активлари йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Корхоналарда, муассасаларда, колхоз, совхоз ва МТСларда партия йиғилишлари бўлмоқда. Партия активларининг бўлаётган бу йиғилишларида барча совет кишилари партиямиз Марказий Комитети июнь Пленумининг партияга қарши группани тор-мор этишга қаратилган тарихий қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилотининг йиғилишида донгдор тўқимачи Нурия Мақсумова сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бизнинг бутун мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланаётган бир вақтда партияга қарши группа коммунизм қурилиши ишида партиямизга ва халққа халақит беришга ҳаракат қилди. Бизлар, тўқимачилик комбинатининг коммунистлари, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз ҳамда Марказий Комитетнинг Совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамлашга, совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишга, бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини тўла маъқуллаймиз.

Бу, миллионларнинг сўзидир. Ишчилар, колхозчи деҳқонлар, совхоз ишчилари, механизаторлар, фан ва маданият ходимлари партияга қарши группанинг ҳатти-ҳаракатини ғазаб билан қораламоқдалар. Улар партиямизнинг ленинча Марказий Комитети атрофига янада маҳкам жипслашиб, КПСС ХХ съезди томонидан совет халқи олдига қўйилган коммунизм қурилишининг гигант вазифаларини ҳал этишга ҳамиша тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Партия, ҳукумат ва халқнинг монолит бирлиги коммунизм қурилиши ишида эришаётган ғалабаларимизнинг гаровидир.

Партия ва халқдан ажралиб қолган, фракциячилик йўлига ўтиб олган бу группа партиянинг аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисида чиқарган ва бутун совет халқи томонидан қўллаб-қувватланган чақиригига қарши мутлақо асоссиз кураш олиб бордилар.

Улар КПСС XX съезди маъқуллаган ва барча совет халқи томонидан қўллаб-қувватланган йўлга — социал системалари турлича бўлган давлатларнинг бир-бирлари билан тинч тотув яшашларини таъминловчи ленинча йўлга, халқаро кескинликни юмшатишга ва СССРнинг дунёдаги барча халқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатилишига муттасил қаршилик кўрсатиб келдилар.

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми КПСС Марказий Комитети ичидаги партияга қарши тузилган бу группани батамом фош қилиб ташлади ва тормор келтирди.

Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган совет халқи партиямиз шонли XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Коммунистик партия раҳбарлиги остида, бутун халқнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, XX съезднинг халқ хўжалигини янада ривожлантиришга ва совет халқининг турмуш даражасини тобора юксалтиришга, партия ички ҳаётининг ленинча нормаларини тиклашга, революцион конунчиликни таъминлаш мақсадида халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида гоят катта иш олиб бораётган бир вақтда ва ана шу барча соҳаларда жиддий муваффақиятларга эришилган ва бу муваффақиятлар ҳар бир совет кишисига ҳам бўлиб турган бир вақтда, — Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группаси партия йўлига қарши чиқди».

Партияга қарши бу группа партиямизнинг сиёсий йўлини ўзгартириш мақсадини кўзлаб, КПСС Марказий Комитети Пленумида сайланган партия раҳбар органлари составини партияга қарши методлар билан, фракциячилик методлари билан алмаштиришга ҳаракат қилиб келди.

Партия ва совет халқи томонидан фош қилинган партияга қарши бу группа иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида, қонун чиқариш соҳасида ва ижтимоий республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга қарши, шунингдек бу вазифаларни ҳал этишда маҳаллий Советларнинг ролини кенгайтиришга қарши чиқдилар. Улар саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилиш соҳасида партия томонидан амалга оширилган ва бутун халқ маъқуллаган тадбирга зўр бериб қаршилик кўрсатиб келдилар.

Партияга қарши бу группа қатнашчилари қишлоқ хўжалиги масалаларида ҳам ҳал этилиши зарур бўлган янги вазифаларни тушунмадилар. Улар колхозчи деҳқонларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги моддий манфаатдорлигини кучайтириш зарур эканлигини эътироф этмадилар, колхозларда планлаштиришнинг эски, бюрократик тартибини бекор қилишга қарши эътироз билдирдилар, колхозчилар ҳонадонидан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини шу йилнинг охирида бекор қилиш учун реал имкониятлар борлигини тушуна олмадилар.

Партия ва халқдан ажралиб қолган, фракциячилик йўлига ўтиб олган бу группа партиянинг аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисида чиқарган ва бутун совет халқи томонидан қўллаб-қувватланган чақиригига қарши мутлақо асоссиз кураш олиб бордилар.

Партия ва халқдан ажралиб қолган, фракциячилик йўлига ўтиб олган бу группа партиянинг аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисида чиқарган ва бутун совет халқи томонидан қўллаб-қувватланган чақиригига қарши мутлақо асоссиз кураш олиб бордилар.

Улар КПСС XX съезди маъқуллаган ва барча совет халқи томонидан қўллаб-қувватланган йўлга — социал системалари турлича бўлган давлатларнинг бир-бирлари билан тинч тотув яшашларини таъминловчи ленинча йўлга, халқаро кескинликни юмшатишга ва СССРнинг дунёдаги барча халқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатилишига муттасил қаршилик кўрсатиб келдилар.

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми КПСС Марказий Комитети ичидаги партияга қарши тузилган бу группани батамом фош қилиб ташлади ва тормор келтирди.

Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган совет халқи партиямиз шонли XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Партия кейинги йилларда оғир саноатни янада ривожлантиришга кўпроқ эътибор берди. Оғир саноатни устун даражада ривожлантиришдан иборат ленинча йўлни оғишмай амалга ошириш натижасида саноатимиз тез суръатлар билан ривожланмоқда. Кейинги 3-4 йил ичида Ўзбекистон ССРда пўлат ишлаб чиқариш 2 баравар, қора металлар прокатини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, кўмир чиқариш қарийб 2 баравар, электр қуввати ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта муваффақиятларга эришдик. 3 йил ичида 35 миллион гектар кўрик ва бўз ер ўзлаштирилди. Мамлакатда етиштирилаётган ғалла шу муддат ичида 2 миллиард 153 миллион пуд кўпайди. Пахта, зиғир, қант лавлаги, картошка ва сабзавот етиштириш соҳасида, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалик соҳасида қўлга киритилган катта муваффақиятлар натижасида халқ моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. СССРда миллий даромад 1956 йилда 1950 йилдагига нисбатан икки баравар ошди.

Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ўтган йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирдилар. Республикада фан ва маданият йилдан-йилга ривожланмоқда.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси жонажон Коммунистик партиямизнинг бирдан-бир тўғри сиёсат ўтказиб келаётганлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз илдам қадамлар билан коммунизм сари бормоқда. Ижодкор совет халқи коммунизм қурилишининг партиямиз XX съезди томонидан кўрсатиб берилган улуғвор вазифаларни муваффақият билан амалга оширмоқдалар.

Фақат партиянинг кейинги вақтларда амалга ошираётган улуғвор вазифаларини тушунмаган ва тушунишни истамаган амалпарастларгина совет халқи эришган муваффақиятларни, амалга ошираётган тадбирларни кўраолмадилар.

Республикамизда область, шаҳар, район партия активлари йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Корхоналарда, муассасаларда, колхоз, совхоз ва МТСларда партия йиғилишлари бўлмоқда. Партия активларининг бўлаётган бу йиғилишларида барча совет кишилари партиямиз Марказий Комитети июнь Пленумининг партияга қарши группани тор-мор этишга қаратилган тарихий қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилотининг йиғилишида донгдор тўқимачи Нурия Мақсумова сўзга чиқиб, бундай деди:

— Бизнинг бутун мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланаётган бир вақтда партияга қарши группа коммунизм қурилиши ишида партиямизга ва халққа халақит беришга ҳаракат қилди. Бизлар, тўқимачилик комбинатининг коммунистлари, КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз ҳамда Марказий Комитетнинг Совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамлашга, совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишга, бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятини тўла маъқуллаймиз.

Бу, миллионларнинг сўзидир. Ишчилар, колхозчи деҳқонлар, совхоз ишчилари, механизаторлар, фан ва маданият ходимлари партияга қарши группанинг ҳатти-ҳаракатини ғазаб билан қораламоқдалар. Улар партиямизнинг ленинча Марказий Комитети атрофига янада маҳкам жипслашиб, КПСС ХХ съезди томонидан совет халқи олдига қўйилган коммунизм қурилишининг гигант вазифаларини ҳал этишга ҳамиша тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Партия, ҳукумат ва халқнинг монолит бирлиги коммунизм қурилиши ишида эришаётган ғалабаларимизнинг гаровидир.

Кабарда-Балкар АССР Олий Советига Кабарда-Балкар АССР Министрлар Советига КПСС Кабарда-Балкар обкомига

СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Кабарда-Балкар Автоном Совет Социалистик Республикасининг ишчиларини, колхозчиларини ва зиёлиларини, барча меҳнаткашларини катта миллий байрам билан — Кабарданинг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг 400 йиллиги билан қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Кабарданинг Рус давлатига қўшилганлиги кабарда-балкар ва бошқа халқларнинг тарихий тақдирларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу қўшилиш мазкур халқларга миллий ривожланиш истиқболини очиб берди, уларни чет эл босқинчиларининг қул қилиб олиб ва қириб юборишидан қутқариб қолди, мамлакатимизлаги рус ва бошқа халқлар билан иктисодий ва маданий алоқа қилишлари учун қулай шароит вужудга келтирди.

Рус ва кабарда халқларининг чет эл истилочиларига ва чор самодержавиесига қарши, маҳаллий феодалларга ҳамда рус помешчиклари ва капиталистларига қарши биргаликда олиб борган курашлари бу халқларни бир-бирига яқинлаштирди ва улар ўртасида қардошларча ўзаро муносабатлар ўрнатилишига олиб келди. Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарган рус ишчилар синфи мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Россиядаги ҳамма миллатларнинг меҳнаткашлари ўз эркинликлари ва мустақилликлари учун олиб борган курашларида рус пролетариати уларга ишончли иттифоқчи ва раҳбар бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида чор Россиясидаги бошқа мазлум халқлар тақдирида бўлганидек, Кабарда-Балкария халқлари тақдирида ҳам тубли ўзгаришлар рўй берди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати изчиллик билан амалга ошириб келаётган ленинча миллий сиёсат бу халқларни сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг кенг йўлига олиб чиқди, уларга ўзларининг турмушларини эркин ва бахтиёр қилиб қуриш имкониятини берди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Кабарда-Балкария меҳнаткашлари улуғ рус халқининг ва бошқа қардош халқларнинг ёрдами билан хўжалик ва маданий қурилишда катта муваффақиятларга эришдилар. Республикада саноат янгидан барпо қилинди. Ўнлаб йирик корхоналар қурилди. Булар орасида Шимолий Кавказда энг катта Баксан гидроэлектростанцияси. Тирна — Ауз вольфрам — молибден комбинати, машинасозлик, асбобсозлик корхоналари, енгил, озиқ-овқат ва бошқа баъзи бир саноат тармоқларининг корхоналари бор.

Республикада илғор техника билан қуролланган социалистик қишлоқ хўжалиги муваффақият билан ривожланиб бормоқда. Кейинги йиллар ичида қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтиришда, чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришдилар.

Республиканинг маданий қиёфасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўз ёзуви бўлмаган кабардаликлар ва балкарлар эндиликда ёппасига саводхон халқ бўлиб қолдилар. Республикада еттита техникум, юзлаб мактаб, клублар ва кутубхоналар бор, давлат университети барпо қилинмоқда, миллий зиёлиларнинг кўп сонли кадрлари тайёрланди, шаклан миллий ва мазмунан социалистик адабиёт ва санъат муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Драма театри, ашула ва рақс ансамбли, давлат филармонияси ишлаб турибди.

Октябрь революциясига қадар ҳуқуқсиз чўри бўлиб келган тоғ хотин-қизлари сиёсий, хўжалик ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Совет ҳокимияти уларнинг турмушини, маданиятини ва жамиятдаги мавқеини тубдан ўзгартирди, уларни актив яратувчилик фаолиятига кўтарди.

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Кабарда-Балкар Автоном Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашларига республика халқ хўжалигини ва маданиятини янада юксалтириш учун курашда тағин ҳам катта муваффақиятлар тилайдилар ва Кабарда-Балкария ишчилари, колхозчилари, зиёлилари ўз миллий байрамларини Совет Иттифоқи Компартиясининг XX съезди томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун курашда янги муваффақиятлар билан нишонлашларига сира шубҳа қилмайдилар.

Кабарданинг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг 400 йиллик байрами кабардаликлар, балкарлар, руслар ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар ўртасидаги дўстликни, уларнинг бирлигини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагига жипсланганлигини кўрсатувчи намойиш бўлади.

Кабарда-Балкар Автоном Совет Социалистик Республикаси яшасин ва яшнасин!

Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва жипслигининг гарови — ленинча миллий сиёсат!

Яшасин бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ. СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори тўғрисида ВЦСПС Президиуми

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети Президиуми Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарорини муҳокама этиб қайд қиладики, Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группаси ўз вақтида очилганлиги ва фош қилинганлиги Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетининг партия, ишчилар синфи ва бутун совет халқига кўрсатган жуда катта хизмати бўлди.

Барча совет кишилари, дейилади сўнгра ВЦСПС Президиумининг резолюциясида, ўз муваффақиятлари билан фахрланадилар, бу муваффақиятлар ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, партиямиз томонидан қилинаётган доҳиёна раҳбарликнинг, халқ оммасининг иродасини ва истак-орзуларини ифодаловчи доно партия сиёсатининг самаралари эканлигини кўриб турибдилар. СССР халқлари ўзларининг жонажон Коммунистик партияси теварагида ҳеч қачон шунчалик мустаҳкам ва қудратли бўлиб жипслашмаган эдилар, барча совет кишилари партиянинг ҳамма тадбирларини қизғин равишда қўллаб-қувватламоқдалар ва бу тадбирларни амалга ошириш учун фидокорона курашмоқдалар.

ВЦСПС Президиуми ўзларини бутун партияга ва халққа қарамақарши қилиб қўйган Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группасини ғазаб билан қоралайди. Бу группа аъзолари партия ва мамлакат ҳаётидан ажралиб қолдилар, партия сиёсатини ўзгартирмоқ, партияни КПСС XX съездида қораланган нотўғри раҳбарлик методларига қайтармоқ учун партия аллақачонлар қоралаган фракциячилик кураши ва найрангбозлик методларини қўлланганлар.

ВЦСПС Президиуми шуни уқтириб ўтадики, партияга қарши группа томонидан партиянинг бош йўлига қилинган ҳужумлар, бу группанинг партия раҳбар органлари составини алмаштириш учун жиноий усуллар билан курашганлиги айни вақтда ишчилар синфининг монолитлигига зарба бериш, халқнинг унинг оммавий ташкилотларининг, шу жумладан касаба союзларнинг ҳам партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслашганлигини заифлантириш мақсадида қилинган уринишдир.

ВЦСПС президиуми, дейилади резолюциянинг охирги қисмида, бутун халқнинг иродасини, унинг партияга бўлган оташи муҳаббатини ифодаловчи КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини батамом ва тўла равишда маъқуллайди ҳамда бу қарорга қўшилади.

ВЦСПС Президиуми касаба союзларнинг ҳамма аъзоларини, барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни ўз сафларини жонажон Коммунистик партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида тағин ҳам зич қилиб жипслаштиришга, халқнинг улуғ ва енгилмас марксизм-ленинизм байроғига чексиз муҳаббатини ва садоқатини янги меҳнат ғалабалари билан намойиш қилиб кўрсатишга, социалистик мусобақани янада ривожлантиришга, коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар учун курашда ўз ғайратларини оширишга чақиради.

Ленинградда тантаналар

ЛЕНИНГРАД, 6 июль. (ТАСС). Қаҳрамон шаҳар бугун одатдагидан ташқари байрам тусини олган. Минг-минглаб ленинградликлар эрталаб Ленинграднинг 250 йиллиги муносабати билан мукофотланган Ленин шаҳри меҳнаткашларига ҳукумат мукофотларини топшириш учун бу ерга келган Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, О. В. Куусинен, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник ўртоқларни кутиб олдилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари очиқ машиналарга тушиб вокзалдан шаҳарнинг турли томонларига жўнаб кетдилар. Клубларда ва маданият уйларида улар мукофотланганларнинг катта группасига тантанали вазиятда орден ва медаллар топширдилар.

Ҳукумат мукофотлари топширилгандан кейин бир қанча корхоналарда ленинградликларни юксак ҳукумат мукофотлари билан мукофотлашга бағишланган кўп минг кишилик меҳнаткашларнинг митинглари бўлиб ўтди.

Трубасозлик металл заводида бўлган митингда Н. А. Булганин нутқ сўзлади. Киров заводида митингга тўпланганлар сўзга чиққан К. Е. Ворошиловни самимий табрикладилар. Ленин номидаги Невский машинасозлик заводида бўлган митингда О. В. Куусинен нутқ сўзлади. Киров номли йигириш-ип комбинати ишчи ва хизматчиларининг митингида Ф. Р. Козлов, «Рабочий» номли тўқимачилик фабрикасида — Е. А. Фурцева сўзга чиқдилар. Киров номидаги «Электросила» заводи ишчиларининг митингида Н. С. Хрушчев, Болтиқ кемасозлик заводида — Н. М. Шверник нутқ сўзладилар.

Митингларда сўзга чиққан ишчилар ва мутахассислар Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати теварагидаги мустаҳкам бирлик тўғрисида гапирдилар. Улар, Ленинграднинг Ленин ордени билан мукофотланиши ўз зиммаларига янада яхшироқ меҳнат қилиш мажбуриятини юклаганлигини қайд қилдилар ҳамда партия ва ҳукуматни Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада янада кўпроқ муваффақиятларга эришамиз, деб ишонтирдилар.

Темирйўлчиларнинг традицион байрами

Бугун Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни. Темир йўл транспортининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари ва барча совет кишилари бу традицион байрамни фавқулодда бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Шонли темирйўлчиларимиз ўз байрамларини КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисида»ги қарорини барча совет кишилари каби якдиллик билан тўла маъқуллаш, КПСС XX съезднинг тарихий қарорларини сира оғишмай амалга ошириш, партия бирлигини, унинг жанговар сафларини, партиянинг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, унинг ленинча Марказий Комитети теварагида янада жипслашиш белгиси остида нишонлайдилар.

Тошкент темирйўлчиларининг ўзига хос тарихи, революцион традицияси бор. Улар чоризмни ағдариб ташлаш ва собиқ Туркистон ўлкасида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда катта роль ўйнадилар, ҳамда Москва темирйўлчиларидан намуна олиб, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, социалистик экономикамизни ривожлантиришда, Коммунистик партиянинг барча қарорларини амалга оширишда актив қатнашиб келдилар.

Темир йўл транспорти халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан мустаҳкам боғлангандир. Владимир Ильич Ленининг таърифига кўра, темирйўл транспорти саноат билан деҳқончилик ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқанинг моддий таянчи бўлиб хизмат қилади. У, халқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантиришда жуда муҳим роль ўйнайди. КПСС XX съезднинг тарихий қарорларида темир йўл транспортини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берилган. Шуни айтиш кифояки, олтинчи беш йилликда темир йўл транспортининг юк обороти 42 процент кўпаяди.

Партия XX съезди темир йўл транспортининг бешинчи беш йиллиқда эришган ютуқларини саноб ўтиш билан бирга, унинг техника соҳасида орқада қолаётганлигини ҳам кўрсатиб берди. Темир йўл транспортини юксак техника даражасига кўтариш учун уни электрлаштириш ва прогрессив локомотивлар билан таъминлаш тадбирлари белгиланиб, бу соҳада катта ишлар олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати темир йўл транспортини электрлаштириш ҳамда тепловозлар паркини кенгайтиришнинг гениал планини белгилаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Шу планга кўра олтинчи беш йиллиқда 8100 километр темир йўлда электровозлар, 18 минг километр темир йўлда тепловозлар қатнайди. 1960 йилга бориб, барча юкнинг 40-45 процента электровоз ва тепловозларда ташилади.

Олтинчи беш йилликнинг ўтган бир ярим йили мобайнида Тошкент темир йўлининг коллективи КПСС XX съезднинг қарорларини амалга ошириб, техника прогресси соҳасида яхши кўрсаткичларга эришди. Тошкент темир йўлида ўтган йилнинг ўзида тепловозлар билан ташилган юкнинг ҳажми юк оборотининг 40 процентидан ошиқроғини ташкил этди. Ҳозиргача тепловозлар билан ўтган йилга нисбатан 30 процент кўпроқ юк ташилди. Бу рақамлар олтинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақият билан бажарилаётганлигини кўрсатади. Ишонч билан айтиш мумкинки, 1960 йилда олтинчи беш йилликнинг охирига бориб бу рақам 50-55 процентни ташкил этади, яъни олтинчи беш йиллик топшириғини 10-15 процент ошиғи билан бажарилади. 1956 йилда темир йўлни электрлаштириш гениал планини амалга ошириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Натижада айрим юк кўп ташиладиган участкалар тепловозлар, электровозлар билан таъминланди. Кўрилаётган бу тадбирлар темир йўл Тошкент бўлимида вагонлар оборотини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга катта ёрдам бермоқда.

Темир йўл Тошкент бўлимининг коллективи Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, темирйўлчиларнинг традицион байрамига муносиб совғалар тайёрлади. Ҳалқ хўжалик юкларини ташиш ярим йиллик плани 101,7 процент, пассажирлар ташиш плани 101,2 процент бажарилди, паровозлар қатновининг суткалик тезлиги 1,86 процентга, техника тезлиги эса 3,7 процентга оширилди.

Тошкент темир йўлининг ривожланиши билан бирга, унинг кадрлари, айниқса миллий кадрлари ўсди ва вояга етди. М. Абдуллаев, Д. Султонов, М. Нурмуҳамедов, М. Богданов, Н. Люшин, А. Мостовой сингари илғор машинистлар янги техникани яхши ўзлаштириб олиб, Ватанимиз саноати ишлаб чиқарган тепловозлардан жуда унумли фойдаланмоқдалар. Шу йилнинг ўтган даври ичида оғир юк ташийдиган машинистлар нормадан ташқари 11 миллион тонна турли хил юкларни ташидилар.

Давлат Тошкент магистрали темирйўлчиларининг уй-жой ва маданий-маиший аҳволини янада яхшилашга катта маблағлар ажратмоқда. Кейинги олти йил мобайнида магистралда 55 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Якка тартибда уй қуриб олувчи темир йўлчиларга бир неча миллион сўм қарз берилди.

Шонли темирйўлчиларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллик байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини янада баландроқ кўтаришлари лозим. Илғор тажрибаларни кенг ёйиш — мусобақанинг муҳим шартларидан биридир. Илғор иш методларининг барча участкаларда кенг жорий қилиниши, ҳар бир темир йўлчини, ҳар бир станокчини илғорлар даражасига кўтариш — ишда умумий ютуққа, жуда катта ғалабаларга эришишнинг гаровидир. Партия ва касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақада бўртиб чиққан янги, прогрессив иш методларини синчиклаб ўрганишлари ва агитация-пропаганданинг барча воситаларидан кенг фойдаланиб, бу илғор тажрибаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинишига эришмоқлари керак.

Касаба союз ташкилотлари коллектив шартномада меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини кучайтириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини маъмурият дан қатъий талаб қилишлари, уй-жой, умумий овқатланиш муассасалари ва медицина хизматининг тобора яхшиланиб боришига эришмоқлари керак.

Бошқарув ташкилотларининг фаолиятини ошириш, раҳбарлик методларини яхшилаш ва такомиллаштириш, катта ва кичик раҳбарнинг темирйўлчилар оммаси билан алоқасининг мустаҳкамлаш, темир йўл транспорти, завод ва қурилиш объектларига конкрет раҳбарлик қилишни таъминлаш партия ташкилотларининг жонажон ишидир.

Темир йўл Тошкент бўлимининг кўпминғли темир йўлчилари бутун куч ва билимларини жона-жон Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга, шон-шарафини янада юксалтиришга, олтинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигини бирлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик иттифоқ-республика министрлиги қилиб бирлаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ М. В. Муҳаммаджоновни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Совет темирйўлчиларига шон-шарафлар бўлсин!

Тошкент темир йўлининг илғорлари

Елена КРОВЦОВА — оператор.

Хуснитдин НУРИТДИНОВ — проводник.

Александр СТАРЦОВ — машинист.

Сергей СМОРОДКИН — навбатчи.



Қосим ТОШХЎЖАЕВ — юкчи.

Илғорлар усулини кенг қўлланиб

Диспетчерлик станциядаги барча ҳаракатнинг юрагидир. У темир йўл магистралларидан ўтувчи ҳамда жойнинг ўзида тузиладиган барча юк ва пассажир поездларини график асосида ҳаракатга келтирувчи бирдан-бир узелдир. Шу сабабли диспетчер темир йўл станциясида, айниқса кўп тармоқли катта станцияларда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мен хизмат қилаётган Тошкент пассажир станцияси бўлими ишларнинг кўплиги, серқатновлилиги билан бошқа кўпгина станциялардан кескин равишда фарқ қилади. Гап шундаки, пойтахтимизга ҳар куни жуда кўп миқдорда юк ва пассажир поездлари келиб туради ҳамда жўнатилади. Шунингдек, шаҳар саноати корхоналари учун зарур бўлган юклар ортилган вагонлар асосан шу ерда составлардан ажратилади.

Диспетчернинг муҳим вазифаларидан яна бири шуки, у маҳаллий ва транзит вагонларнинг тўхтаб қолишига мутлақо йўл қўймаслиги, локомотивлар имкониятини ҳисобга олиб, иложи борича оғир юкли поездларни кўпроқ тузишга ҳаракат қилиши керак. Составларни тузувчиларнинг ишини қаттиқ контроль қилиб бориш ҳам диспетчернинг вазифасига киради. Шунинг учун биз тузувчиларга вақт-вақти билан инструкциялар бериб турамиз ва радио орқали алоқа қилишдан ташқари олдиндан белгиланган графикни биргалашиб кўздан кечириб чиқамиз.

Биз бир неча йиллардан бери оғир юкли поездларни кўпроқ тузишга алоҳида аҳамият бериб келаяпмиз. Транзит юк поездларини тезкор методлар асосида тузишга ўтишимиз натижасида бу йил катта ютуқларни қўлга киритдик. Ўтган йил худди шу ойларда транзит составларни қайта тузиш ва жўнатиш учун 1-1,5 соат вақт сарфлар эдик. Илғор методни табора кенг қўллана боришимиз туфайли бу операцияни қарийб уч баравар қисқартирдик. Бу, давлатнинг неча ўн минг сўмлаб маблағини тежаш имконини берди.

А. БАРАДУЛЛИН,
диспетчер.

Янги муваффақиятлар сари

Темир йўл Тошкент бўлимининг коллективи саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари билан биргаликда Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги байрами шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йил бошидан астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Хўжалигимиз хизматчилари халқ хўжалиги юкларни ҳамда пассажирлар ташиш олти ойлик планини муддатидан бир неча кун илгари ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, улар юк ташиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам тўла адо этдилар. Темир йўлчилар кунига қадар планга қўшимча равишда бир неча минг вагондан кўпроқ юк ташлаб берилди.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишимизда ишлаб чиқариш планларини системали равишда бажариб келаётган «Чирчиксельмаш», «Ташкенткабель», Бўстонлиқ ойназаводи, Янгийўл ёғ заводи ва бошқа кўпгина илғор саноат корхоналарининг коллективлари яқиндан ёрдам бердилар. Транспортчиларнинг корхона ходимлари билан узвий ҳамкорлиги юк ортиш ва ташишда илғор методлардан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятини берди. Юкни вагонларга зич жойлаш методини кенг қўлланиш натижасида қарийб 1,5 минг вагон бўшади ва уларга 30 минг тонна халқ хўжалиги юклари ортилиб жўнатилди. Вагонларга юкни зичлаб жойлаштириш айниқса чигит экиш ва гўза парваришида даврида роят катта роль ўйнаганлигини айтиб ўтиш керак. Биз бу методни кенг қўлланиб, мавсум вақтида вагонлар етишмовчилигига барҳам бердик ва чигит, ўғит ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари каби зарур юкларнинг ўз вақтида юборилишини таъминладик.

Чирчиқ станцияси бош тарозибони Ўртоқ Боймуродов «Чирчиксельмаш» заводи коллективи билан ҳамкорликда юк ортишнинг энг янги, прогрессив методини ишлаб чиқди. У, машиналар ҳамда запас қисмларни вагонларга жойлашнинг рационал формаларини ишга солди. Кауфманская станциясининг тарозибонлари Зокиров ва Миралимов ўртоқлар пахта толаси ҳамда ғиштларни зичлаб жойлаштиришнинг янги усулини ўзлаштириб, жуда кўп вагонларни бўшатиб бердилар.

Станциянинг барча темир йўл шохобчаларида ягона технологик процессларга амал қилиб, вагонлар оборотини анчагина тезлатиш имкониятига эга бўлдик. Бу соҳада ҳам бизга илғор корхоналарнинг транспорт цехлари ишчилари яқиндан ёрдам бердилар. Бу цех коллективлари вагонлардан рационал фойдаланишда, уларнинг бекор туриб қолишига барҳам беришда биз билан бирга астойдил кураш олиб бордилар, юк тушириш ва ортиш операцияларини қисқартириш, вагонларнинг бекор туриб қолишини камайтиришга эришдилар.

Бироқ шуни айтиш керакки, ҳали ҳам айрим корхона раҳбарлари бу муҳим ишга етарли аҳамият бермай келаётирлар. Улар вагонларнинг бекор туриб қолишига йўл қўяётирлар. Ҳолбуки, вагонларнинг бекор туриб қолишига тўла ҳотима бериш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуддир. Саноат ва қурилишнинг бошқаришнинг қайта ташкил этилиши, Халқ хўжалиги кенгашларининг тузилиши бундан кейин корхоналар томонидан кооперация йоли билан транспорт воситаларидан яхши фойдаланишга кенг перспективалар очади.

Тепловозлар қувватидан унумлироқ фойдаланиш, уларнинг кунлик ўртача юриш тезлигини ҳамда поездларнинг оғирлигини иложи борича ошира боришга эришиш тепловоз депоси коллективининг шарафли бурчидир. Ҳозиргача тепловозларнинг кунлик ўртача тезлиги 500 километрга оширилди. Депо хизматчилари Улуғ байрам кунигача локомотивлар тезлигини яна 20 километр оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Илғор тепловоз машинистларидан Костек, Мақсудов, Немудров, Ҳасанов, Расулев, Султонов ўртоқлар ҳозирданоқ бундай кўрсаткични қўлга киритдилар. Бу ишда уларга бўлим диспетчерларидан Аҳмедов, Кондратьев, Бессмолов ва Остапец ўртоқлар яқиндан ёрдам кўрсатаётирлар. Улар оғир юкли поездлар сонини янада кўпайтиришда бутун коллективга намуна кўрсатмоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги вақтларда бўлимнинг айрим ходимлари «поездлар оғирлигини маълум нормадан ошириш мумкин эмас» деб иккиланган ҳам эдилар. Лекин моҳир машинистларимиз илғор технологияга амал қилиб, оғир поездларнинг миқдорини тинмай ошира бориш, юкни кўпроқ ортиш имкониятларни чексиз эканлигини амалда исботламоқдалар. Тепловозчиларимиз йўлчилар, вагончилар билан ҳамкорлик қилиб ўзларининг традицион байрами кунигача 6 мингдан ортиқ оғир юкли поезд тузилар ва бу составларда белгиланган нормадан ташқари 2 миллион тоннадан кўпроқ юк ташиб бердилар.

Тепловоз машинисти Ўртоқ Гниломедов 6 ой мобайнида қарийб 60 та оғир юкли поездни муваффақият билан олиб ўтди ва планга қўшимча равишда 26 минг тонна юк ташиб берди. Шаталин, Тўлаганов, Борисенко каби илғор машинистлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Тепловоз депоси коллективи бундай муваффақиятларни илғор технологияни кенг қўлланиш, аниқса қудратли ТЭ-2 ва ТЭ-3 тепловозларидан тўғри ва унумли фойдаланишлари туфайли қўлга киритдилар. Локомотивлар ремонтининг пухта ва ўз вақтида ўтказилаётганлиги уларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаётир.

Йилнинг иккинчи ярми бошланди. Қишлоқ хўжалиги кампаниясининг ҳал қилувчи даври яқинлашаётир. Йиғиб-териб олинган ҳосилни ўз вақтида ташиб бериш каби муҳим вазифа олдимизда турибди. Коллективимиз барча халқ хўжалиги юкларини қисқа муддатлар ичида ташиб бериш учун астойдил меҳнат қилади, Партия ва Ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Н. ДМИТРИЕВ
Темир йўл Тошкент бўлимининг бошлиғи.

Оғир юкли поездларни кўпайтирамиз

Депомиз машинистлари асосан Сирдарё ва Чингилди станциялари орасида қатнайдилар. Мен ва шериклларим—Василий Немудров ҳамда Михаил Бочаров кўпинча Чингилди участкаси бўйлаб оғир юкли поездларни олиб борамиз. Ҳамма вақт бир томонга қатнаш оғир юкли поездларни муваффақият билан олиб ўтишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Маълумки Чингилди участкаси Сирдарё участкасидан анчагина фарқ қилади. Агар Сирдарё магистралидаги 80 километрли масофанинг атиги 13-15 километри кичик паст-баландликдан иборат бўлса, Чингилди йўналишида қарийб 45 километр масофа кескин паст-баландликларга эга.

Йўлнинг хусусиятларини яхши ўрганиб олсанг, ҳар қандай қийин участкалардан ҳам локомотивларни осонлик билан олиб ўтиш мумкин. Буни мен ўз тажрибамдан яхши биламан. Шу сабабли ҳаракат графиги тузилаётганда диспетчер ва операторлардан локомотивимизни ўзимиз яхши билган участкаларга жўнатишларини сўраймиз. Улар ҳам бизга бу масалада ёрдам бериб келаётирлар.

Кейинги йилларда саноатимиз роят катта кучга ва тезликка эга бўлган ТЭ-3 маркали тепловозларни ишлаб чиқарди.

Бундай тепловозларнинг дастлабки партияси келган кунданоқ маъмурият ТЭ-3-0,29 сонли локомотивни бизга топшириб берди.

Бригадамиз аъзолари янги машинанинг узуксиз ишлашини таъминлаб келаётир. Тепловоз механизмларининг ишлашини системали суратда қатъий техника кўригидан ўтказиб, майда ремонт ишларида ўзимиз бевосита қатнашиб турибмиз. Шу сабабли локомотивимиз сўнгги олти ой мобайнида бирорта ҳам техник камчиликсиз узуксиз ишлаб келаётир.

Мен ҳозир 2700 ўрнига 3200-3500 тонна юк ортилган оғир юкли поездларни манзилга етказиш имкониятига эга бўлмоқдаман.

Депо машинистлари, ёрдамчи машинистлар, ремонтчилар — бутун коллектив бундан кейин ҳам локомотивлар қувватидан янада унумлироқ фойдаланишга, оғир юкли поездларни кўпроқ олиб ўтишга ҳаракат қилади.

Ю. ТУЛАГАНОВ,
Тошкент тепловоз депосининг машинисти.

Тошкент темир йўлининг илғорлари

Турсун БОЙМУҲАММЕДОВ — стрелкачи.

Михаил БОЧАРОВ — машинист.

Руфина УРОДОВСКИХ — проводник.

Павел КАРТАШЕВ — диспетчер.

Макар ЗАВЯЛОВ — стрелкачи.

Йўловчиларга ҳизмат кўрсатишни янада яхшилаймиз

Тошкент пассажир станцияси Ўрта Осиёдаги энг йирик станциялардан биридир. Бу ердан кунига ўнларча пассажир ҳамда юк поездлари жўнатилади ва қабул қилинади. Бўлимимиз ишчи ва хизматчилари поездлар ҳаракатини қатъий график асосида ташкил этиш, маҳаллий вагонларнинг тўхтаб қолишига чек қўйиш, пассажир ва юк поездларини тузиш вақтини қисқартириш, авариялар олдини олиш ҳамда йўловчиларга маданий хизматни ҳар томонлама яхшилаш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар.

Коллективимиз Темирйўлчилар байрами кунини меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олди. Маҳаллий вагонларнинг туриб қолишини май ойида белгиланган нормадан 15 процент ва июнь ойида 20 процент камайтиришга эришдик. Шунингдек, транзит вагонларнинг ҳаракатсиз тўхтаб қолишини май ва июнь ойлари мобайнида 32 процент камайтиришга муваффақ бўлдик.

Юк поездлари ҳамда транзит составларини қайта тузиш ва уларнинг станциядан ўтиш муддатини қисқартиришда прогрессив методларни кенг қўлланиб, яхши натижаларни қўлга киритаётирмиз. Ўтган йилларда юк ва транзит поездларини тузиш ҳамда уларни жўнатиш операцияси, составларнинг катта-кичиклигига қараб 1-1,5 соатда бажарилар эди. Составларни тузувчилар, диспетчер ва операторларимизнинг ғайрат ва ташаббуслари туфайли бу операция эндиликда тезкор метод асосида бажарилаётир. Масалан, ҳар бир составни тузиш ва уни жўнатишни ҳозир 20-25 минут ичида бажараётирмиз. Сўнгги 6 ой мобайнида станциядан ўтган барча юк ва пассажир поездларнинг қарийб 90 проценти тезкор методлар асосида тузилди ва ўз вақтида жўнатилди. Ана шулар туфайли бўлимимиз ходимлари кўпгина қимматли вақтларини, шунингдек давлатнинг талайгина маблағини тежаб қолишга муваффақ бўлдилар. Шуни айтиш кифояки, биз сўнгги ярим йил ичида тезкор метод билан ишлаб 16 минг вагон-соат иқтисод қилдик.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда бўлим ходимларидан оператор Елена Кровцова, станция навбатчиси Сергей Смороджин, диспетчер Павел Карташев, тузувчилардан Дўсматов ҳамда Шариф Акбаров, стрелочник Макар Завялов, юкчи Қосим Тошхўжаев ва бошқа ўнлаб илғорлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Станциямиз ишчилари ва хизматчилари меҳнатдаги ана шу муваффақиятлари учун Тошкент темир йўли бошқармасининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Партия ва ҳукуматимиз йўловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга алоҳида эътибор бериш — темирйўлчиларнинг асосий вазифаси эканлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. Коллективимиз бу соҳада ҳам анчагина ишларни амалга оширди ва яна бир қанча тадбирларни белгилади.

Аввало шуни айтиш керакки, биз пассажирлар сонининг борган сари ортаборaётганлигини назарга олиб, ҳаракатдаги пассажир поездларида вагонлар сонини кўпайтирдик ҳамда узоқ масофага қатнайдиган янги маршрутлар ташкил этдик. Жумладан, шу йилнинг баҳорида 84-(Тошкент-Хўжайли) пассажир поездини туздик. Бу поезд ҳозир юқоридаги маршрут бўйлаб системали равишда қатнаб турибди. Янги составнинг ташкил этилиши пассажирларга бирмунча қулайликлар туғдирди.

Пойтахтимизга келувчи ва жўнаб кетувчиларнинг талабини тўла қондириш мақсадида вокзал ҳузурида қўшимча боғчалар, сояли майдончалар ташкил этдик. Бундан ташқари, станциянинг жанубий қисмида мавжуд 6-залга ўхшаш кутиш зали қураётирмиз. Она ва болаларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар мавжуддир. Биз бундан кейин ҳам йўловчиларга мумкин қадар яхши, қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз.

Кейинги йилларда шаҳар атрофига қатновчи поездлар сони бирмунча кўпайди. Бу ҳол бўлим коллективининг янада оператив ишлашини, составларнинг бир меёрда қатнашини таъминлашни талаб этади.

Маълумки, бу поездлар асосан шаҳар атрофидан қатнаб ишлайдиган ишчиларга хизмат қилади. Шу сабабли уларни жўнатиш ва қабул қилиб олишни сира кечиктириш мумкин эмас. Лекин, биз ҳали ҳам шаҳар атрофига қатновчи поездларнинг қатъий график асосида нормал қатнашини таъминлай олмаётирмиз. Биз ана шу нуқсонларни тезда тугатиш учун зарур бўлган тадбирларни кўрамиз.

А. НУРМАТОВ,
Тошкент пассажир станцияси бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Поездларни ўз вақтида тузиш учун

Станциямизга келаётган ва бу ердан жўнатилаётган юк поездлари ўтган йилга нисбатан анча кўпайганлиги маълум. Бутун республикамиз учун белгиланган юклар асосан бизда тузилади ва жўнатилади. Шу сабабли коллективимиз техника-иқтисодий кўрсаткичларни тинмай ошириб ва ишлаб чиқаришни илғор методлар асосида ташкил этиб, ғайрат билан меҳнат қилаётир.

Сўнгги вақтларгача бир кунда бир неча поездни тузиш жуда қийин иш ҳисобланарди. Чунки ҳар хил узунликдаги вагонларни системалаштириш ҳамда уларни бир-биридан анча узоқ бўлган темир йўл шохобчаларидан тўплаш роят кўп куч талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам биз составларни графикда кўрсатилган вақтдан 10-15 минут кечикиб тузар эдик. Бригадамиз аъзолари ижодий меҳнат қилиб, айрим майда операцияларни бир вақтнинг ўзида бажариш мумкинлигини амалда исботладилар. Моҳир тузувчилардан Абдужабборов, Розбеков, Сердюков ўртоқлар қимматли таклифларни илгари сурдилар ва бир кунда 6 та ўрнига 8-9 составни тузишга эришмоқдалар.

Биз бундан кейин ҳам поездларни тузишда энг янги методларни кенг қўлланишга ҳаракат қилаверамиз.

А. РАҲИМОВ,
Товар станциясининг тузувчиси.

Темирйўлчилар учун ўй-жойлар

Сўнгги йилларда Тошкент темир йўли хизматчилари учун уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилиши тобора кенгаймоқда. 1957 йилнинг май ойига қадар Тошкентнинг ўзида 2 та тўрт қаватли бино қурилди ва меҳнаткашларга фойдаланиш учун топширилди.

Темирйўлчилар герькийликлар бошлаган ташаббусни кенг қўлланиб, ўз кучлари ва маблағлари билан уй-жой қуриб олишга киришдилар. Темир йўл маъмурияти бу мақсадлар учун ғишт, ёғоч, цемент каби қўплаб бинокорлик материаллари ва маблағ ажратди. Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриб олувчиларга ҳам касаба союз йўли билан ҳар тарафлама ёрдам берилаётир.

54-разъезд хизматчилари ҳозирданоқ горькийликлар ташаббусига қўшилиб, ўзлари учун 20 та 8 квартирали уй-жой биноси қуришга киришдилар. Бу ташаббус темир йўл Тошкент бўлимининг бошқа участкаларида ҳам авж олдирилмоқда.

Факт ва рақамлар

Темир йўл Тошкент бўлимида халқ хўжалиги юкларини ташиш ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан қарийб 12 процент кўпайди. Темирйўлчилар юк ташиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар. 6 ой мобайнида 2 миллион тоннага яқин қўшимча юк ташиб берилди.

* * *

Юк вагонларининг бекор туриб қолиш ҳоллари кескин камаймоқда. Июнь ойининг ўзидаёқ вагонларнинг бекор туриб қолиши 3 процентга камайди.

* * *

Товар ва пассажир поездларининг участка тезлиги ўтган йилга қараганда 2,5 процент ошди, ёки ҳар бир соатда уларнинг тезлиги 0,70 километрга оширилди.

* * *

Агар 1956 йилнинг биринчи ярмида бир суткада 800 вагонга юк ортилган бўлса, бу йил уларнинг миқдори 850 га етди. Юк тушириш эса қарийб 7 процентга кўпайди.

Тошкент темир йўл магистралида

Р. Рустамов ва А. Абдуазимов фотолари.

Факт ва рақамлар

Ҳар бир поезднинг ўртача оғирлиги ўтган йилдагига нисбатан 116 тоннага кўпайди. Ярим йил ичида товар станциясидан жўнатилган барча поездларнинг қарийб 70 проценти оғир юкли поездлардир.

* * *

Ўтган йилнинг биринчи ярмида тепловозларнинг кунлик ўртача тезлиги 413,5 километрни ташкил этган бўлса, бу ярим йилликда уларнинг тезлиги 470 километрга етказилди.

* * *

Қисқа вақт ичида Оҳангарон, Сирдарё, Чингилди ва Барраж ветка-ларида хизмат қилаётган темирйўлчилар учун жуда кўп уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

* * *

Олти ой ичида темирйўлчилардан 900 га яқин киши Сочи, Кисловодск сингари марказий курорт ва шифохонларда, дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб қайтдилар.

Июлда ҳар туп ғўзада камида 6-7 тадан тўқ кўсак бўлишига эришайлик!

☆

Илғорлар даласида ғўза яхши ривожланмоқда

Июль ойи — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлигини яхши тушунган Пискент районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Ф. Аббосов бошлиқ бригада аъзолари 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригадада ишчи кучлари, техника воситалари ғўза парваришига тўла сафарбар қилинган. Шунинг учун ҳам азамат колхозчилар барча майдонлардаги ғўзаларни уч марта комплекс парваришдан чиқардилар.

Бригадада ғўзаларни ёввойи ўт босиши ҳолларига йўл қўйилмади. Чунки ғўза чопиги ва культивация сифатли ўтказилмоқда. Квадрат-уялаб экилган ғўзалар узунасига ҳамда кўндалангига ишланмоқда.

Айниқса, шу кунларда сувчи ҳамда механизаторларнинг хизматлари катта. Ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплашда ғўзани қондириб суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйдириб озиқлантириш катта роль ўйнайди. Бригадада ана шу муҳим ишлар бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Колхозчилар моҳир универсалчи ўртоқ Котиб Абдуллаевни жуда ҳурмат қиладилар. У ҳар куни 10 гектар ўрнига 15 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб, механизаторлар ўртасида бошланган мусобақада олдинда бормоқда.

Улуг Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада колхозчилардан К. Турсунматов, О. Аббосов, М. Юсупова ўртоқлар актив қатнашиб, кунлик нормаларини 1,5-2 баравардан бажараётирлар.

Фидокорона меҳнат яхши натижалар бермоқда. Колхознинг гуркираб ўсаётган ғўзалари ҳозир қийғос гулга кирди.

Шунингдек райондаги Киров номли колхозда ҳам ғўза парвариши яхши олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда, шу билан бирга ғўзаларни ёввойи ўтлардан тозалашда район соғлиқни сақлаш бўлимининг ишчи ва хизматчилари колхозчиларга катта ёрдам бераётирлар.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Бўка районидаги илғор колхозлар ғўза парваришини юқори сифатли ўтказиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш учун курашмоқдалар. Бу соҳада механизаторлар айниқса фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 1-МТСнинг универсалчиси ўртоқ А. Бўриев ҳозиргача 700 гектарга яқин ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб берди. У июль ойида ўзи хизмат қилаётган бригаданинг ғўзасини яна икки марта культивациядан чиқариш, озиқлантириб бериш, эгат очиш мажбуриятини олди. Илғор механизатор ўз сўзининг устидан чиқиш учун шу кунларда фидокорона меҳнат қилаётир. **Суратда:** ўртоқ **А. Бўриев** (донрада) бригада ғўзаларини культивация қилмоқда.

В. Салов фотоси.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ИЛҒОРЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Куйбишев номли колхознинг ўртоқ Э. Қурбонов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 104 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш учун астойдил ишламоқдалар. Ғўза ўз вақтида сифатли чопиқ ва культивация қилинаётганлиги учун даладаги бегона ўт тугатилди. Тажрибакор пахтакорлар раҳбарлигида нормал озиқлантирилиб, вақти-вақтида суғорилиб турган ғўзалар шу кунларда ёппасига гулламоқда.

Т. ЭСОНБОЕВ.

Мирзачўлда сувдан тўғри фойдаланилмаётир

Мусобақадош Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Мирзачўл районида бўлганларида бу район колхозларида ҳам ғўза парваришида жиддий камчиликлар борлигини аниқлаган эдилар. Айниқса «Октябрь» колхозида ҳали ҳам ғўзани ўт босиб ётган далалар борлигини, аммо бу ўтни йўқотиш тадбирлари кўрилмаётганлигини, шунингдек айрим колхозларда агротехникага хилоф равишда иш қилинаётганини бирма-бир кўрсатиб берган эдилар. Лекин бу камчиликлар ҳамон давом этиб келмоқда.

«Октябрь» колхозининг раиси ўртоқ Брухти, камчиликларимизни икки кун ичида тузатамиз, далаларда бир дона ҳам ўт қолдирмаймиз, деб ваъда берган эди. Аммо ўртоқ Брухти ўз ваъдасини бажармаётир. Колхознинг 8-бригадасида ғўза ёввойи ўтлардан тозаланган бўлса ҳам, Гулистон райони территориясидаги бригадада 72 гектар пахта майдонининг қарийб ярми ҳамон ўт ичида ётибди. Шу бригаданинг канал бўйидаги 20 гектарча ердаги ғўзасига чигит экилгандан бери трактор ҳам, одам ҳам ораламаган деса бўлади. Бригаданинг иши ҳатто район партия комитетининг бюросида ҳам муҳокама қилинган. Шундан кейин ҳам ўртоқ Брухти тузатамиз, тўғрилаймиз, чора кўрамиз деб ваъда бергану, аммо ҳеч қандай иш қилмаган.

«Октябрь» колхозига етарли миқдорда сув бериб турилибди. Бу сув билан ҳар беш кунда 338 гектар ердаги ғўзани бемалол суғориш мумкин. Аммо ўтган беш кунликда фақат 269 гектар майдондаги ғўза суғорилди.

Хрушчев номли, Максим Горький номли колхозларда, «Мирзачўл» совхози ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам сувдан фойдаланиш яхши эмас. Айрим жойларда сув исроф қилинмоқда. Охунбобоев номли колхознинг 2, 3, 4 ҳамда Шверник номли колхознинг 7-бригадаларида ғўзани суғориш учун берилган сув бир неча кун давомида зовурга оқизиб қўйилган.

Айрим колхозларда ғўза сифатсиз суғорилаётир. Бу колхозларда сув бир текисда қўйилмади — бир жойга сув етган бўлса, иккинчи жойга сув тегмаган. Сувдан фойдаланишдаги шу каби масъулиятсизликка ва ғўзани сифатсиз суғоришга қаттиқ зарба бериш керак.

Сталин номли колхознинг 5, 9-бригадаларида ўргимчаккана пайдо бўлган, бироқ зараркунандани йўқотиш учун жиддий чора кўрилмаётир. Бошқа кўпгина колхозларда ҳам аҳвол шундай.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

☆

Аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз

Ўтган йилги тажрибаларни бойитиш учун курашмоқдамиз. Ўша йили 72 гектар пахта майдонимизнинг 40 гектарида ғўзаларни квадрат-уялаб ўстириб, давлатга гектаридан 33,5 центнердан ҳосил топшириш эришган эдик.

Бу йил эса пахта майдонимиз анча кенгайтирилди, 78 гектарга етказилди. Биз механизаторлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб, ҳамма ерда ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қилаётирмиз.

2-бригада аъзолари ганимат кунларнинг қадрига етиб, сидқидиллик билан меҳнат қилдилар, ғўзаларнинг ўт босишига йўл қўймадилар. Чопиқ ва культивация, озиқлантириш ва суғориш ишларини агротехника қоидалари асосида сифатли ўтказиб, ғўзанинг учинчи комплекс парваришини тамомлашга эришдик.

Бу ишларни намунали ўтказишда бригадамизда хизмат қилаётган моҳир универсалчи, комсомол аъзоси ўртоқ Ў. Қурбоновнинг хизмати катта. У ҳар куни 15—16 гектар ердаги ғўзани икки томонлама культивация қилиб, бригада аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлаётир.

Шу кунларда даламизга келган киши ёппасига гуллаган ғўзаларимизни кўриб ҳурсанд бўлади. Бизнинг эндиги вазифамиз — ғўза парваришини янада кучайтириб, ана шу гулларни тўқ кўсакларга айлантиришдан иборат.

Биз бунга албатта эришамиз, гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирамиз деган аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз.

Х. ФАЙЗИЕВ,

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Далалардан дараклар

СИРДАРЁ. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида хизмат қилаётган моҳир универсалчи ўртоқ Х. Эргашев колхознинг ўртоқ Шуманов бошлиқ бригада далаларида ғўзани уста пахтакорлар, агрономлар билан бамаслаҳат парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Ўртоқ Эргашев ғўза қатор оралари икки томонлама культивация қилиб, кунлик нормани 1,5 ҳиссага етказиб бажараётир. У мавсумда 1000 гектар ерда ғўза қатор оралари ишлаш, эгат олиш, озиқлантириш мажбуриятини олган эди. Ҳозиргача у 500 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзани парвариш қилди.

М. САИДОВ.

* * *

БЕКОБОД. Шаҳардаги Навоий номли мактабнинг комсомол-ёшлари ўзларининг ёзлик каникул кунларини Дзержинский номли колхозда ўтказишга қарор қилдилар. Улар шу кунларда дала ишларига актив қатнашиб, ғўза зараркунандаларига қарши курашда, далаларни бегона ўтлардан тозалашда колхозчиларга катта ёрдам бераётирлар.

И. ЗОКИРОВ.

ОБЛАСТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ДАВЛАТГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР.

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида» деб чиқарган қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. **Суратда:** Қорасув районидаги М. Горький номли колхознинг агитатори Маҳмуд **Алиев** бир группа колхозчиларга шу қарорни ўқиб эшиттирмоқда.

Г. Пун фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхозчилар миннатдорчилиги

Кеча Тошкент районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари марказий дала шийпонига йиғилдилар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Сўзга чиққан бригада бошлиғи Султонмурод Иброҳимов бундай деди:

— Биз партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳамма вақт сезиб турибмиз. Биз шунга жавобан картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини тинмай ошириш учун, шаҳар меҳнаткашларини шу экинлар маҳсулоти билан мўл-кўл таъминлаш учун ғайраттагайрат қўшиб меҳнат қиламиз.

Йиғилишда сўзга чиққан колхоз раиси ўртоқ О. Отажонов экинлардан мўл ҳосил етиштириш билан партия ва ҳукуматимизнинг бу янги қарорига муносиб жавоб берилажагини айтди.

Ҳозиргача колхоз давлатга карам, пиёз, сабзи етказиб бериш мажбуриятини ва закупка қилиш топшириғини ошириб бажарган. Колхозда экин планининг муваффақиятли адо этилганлиги бу экинларнинг умумий ҳосилини оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Куйбишев номли колхоз аъзолари янги қарорга амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, экинлар парваришини юқори сифатли ўтказадилар ва эртаги экинлар ҳосилини тезда йиғиб олиб шаҳар меҳнаткашларига етказиб бериш учун ҳаракат қиладилар.

К. ОРИФХОНОВ.

Катта ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга раҳмат

ЯНГИБОЗОР, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини зўр мамнуният ва қониқиш билан кутиб олдилар. Колхозчилар, ишчилар партия ва ҳукуматимизнинг янги қарорини меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашда буюк ғамхўрлик деб таърифламоқдалар.

«III Интернационал» колхозининг раиси ўртоқ Давлат Омонов барча колхозчиларнинг фикрини ифодалаб бундай дейди:

— Колхоз тузуми узил-кесил ғалаба қилди. Пирик коллектив хўжалик туфайли қишлоқ хўжалиги тобора тараққий этмоқда. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олинаётир, колхоз ва колхозчиларнинг даромади кўпайиб қишлогимизнинг қиёфаси тўбдан ўзгармоқда. Колхозчилар тўқ ва маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Биз бунга жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг колхозчи деҳқонларга бераётган катта ёрдамлари ва ғамхўрлиги туфайли эришаётирмиз. Колхозимизнинг меҳнатсевар аъзолари бу йил 795 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 30 центнердан пахта топшириш юзасидан юксак мажбурият олганлар.

Райондаги «Ленинизм», Сталин номли, Жамбул номли ва бошқа колхозларда ҳам партия ва ҳукуматимизнинг қарори муносабати билан суҳбатлар бўлиб ўтди. Колхозчилар қарорга жавобан меҳнат унумини ошириш билан жавоб бераётирлар.

Моддий фаровонлигимиз янада ошади

Дала шийпонига йиғилган пахтакорларнинг чеҳраларида шодлик, табассум. Улар бу ерга партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларига нисбатан яна бир марта чексиз ғамхўрлиги тўғрисидаги — «Колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларини бекор қилиш тўғрисида»ги қарорини ўқиб эшитиш учун йиғилганлар.

Қарор ўқиб эшиттирилгач, колхоз аъзолари, бригада бошлиқлари, чорвадорлар сўзга чиқиб, жонажон партиямизга ва Совет ҳукуматига катта ғамхўрлик учун зўр миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар совет кишиларининг маданий ва фаровон ҳаёт кечиришини тўла таъминлаш, уларнинг турмуш кечириш даражасини янада ошириш учун тинмай меҳрибонлик қилаётган партия ва ҳукуматга раҳмат айтдилар.

— Бу ғамхўрликка жавобан, — деди машҳур пахтакор, бригада бошлиғи ўртоқ Қўшоқ Маҳкамов, — пахта далаларида янада ғайрат билан ишлаймиз. Бригадамиз бўйича ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириб ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни ортиғи билан бажариш учун курашамз.

— Янги қарор, — деди барча йиғилганларнинг фикрини ифодалаб Боёвут районидаги Жданов номли колхоз раиси ўртоқ З. Қодиров, — тинч ва бахтли ҳаётимизнинг яна бир порлоқ ифодасидир. Бу қарор барча совет кишилари каби колхозимиз аъзоларини янада ғайрат кўрсатиб ишлашга, мўл ҳосил учун курашга илҳомлантиради.

Тожикистон партия активининг йиғилиши

СТАЛИНОБОД, 4 июль. (ТАСС). Бу ерда Тожикистон партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда республиканинг ҳамма қисмларидан бир мингдан ортиқ киши, шу жумладан Помирнинг узоқ тоғли районларидаги, Ленинобод области, Кўлоб районлари группаси, Вахш водиси ва бошқа жойлардаги партия ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми тўғрисида КПСС Марказий Ревизия Комиссия аъзоси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Т. Ўлжабоев доклад қилди. У партия сафларига нифоқ солишга, партиянинг ленинча йўлини ўзгартиришга уринган Маленков, Каганович ва Молотовнинг партияга қарши группасининг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Ўртоқ Ўлжабоев йиғилиш қатнашчиларини Марказий Комитет Пленумининг қарори билан таништирди, улар бу қарорини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Докладни муҳокама қилишда 33 киши, шу жумладан, Ленинобод область партия комитетининг секретари ўртоқ Иброҳимов, Сталинобод шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Хасанов, 1910 йилдан бери партия аъзоси ўртоқ Киселев, республика касалхонасининг бош хирурги ўртоқ Хўжаев, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Раҳматов, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Додхудоев, шоир Турсунзода, Чоругдарён кони партия ташкилотининг секретари ўртоқ Басигараев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан ҳамма ўртоқлар халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятларни ҳамда Коммунистик партиянинг КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги катта иш олиб бораётганини қайд қилиб, Маленков, Каганович, Молотовларнинг ва уларга қўшилган Шепиловнинг партияга қарши фракцион фаолияти тўғрисида ғазаб билан гапирдилар.

Партия активи йиғилиши республика партия ташкилотининг бирлиги ва ленинчи Марказий Комитет теварагига жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди. Йиғилиш партия Марказий Комитети Пленумининг Коммунистик партия сафларини янада жипслаштиришга, унинг раҳбарлигини мустаҳкамлашга, партиянинг бош йўли учун курашга қаратилган қарорини якдиллик билан маъқуллади.

Партия активи йиғилиши Тожикистон партия ташкилоти ўз сафларини енгилмас Ленин байроғи остига янада маҳкам жипслаштиради, республика меҳнаткашларини мамлакатимизда коммунизм қуриш соҳасида янги ғалабаларга бошлаб боради, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирди.

Кексалар аҳди

Даланинг бугунги таърифини ўрнига қўйиш қийин. Поёнсиз пахтазорлар шунчалик ғўзалки, кўриб кўз қувнайди. Шапалоқ яп-роқли ғўзалар майин шабадада ўркач-ўркач бўлиб чайқалар экан, кўз илғамас денгизни эслатади. Шу далани узунасига ва кўндалангига кесиб бориб келаётган «универсал»лар далани яна ҳам гавжум қилиб юборган. Бу ердаги кишиларнинг ишини кузатиб турсангиз ёки улар билан икки оғиз сўзлашиб қолгундай бўлсангиз, вақтнинг зиқлигини, ҳаракатнинг жадаллигини дарров пайқайсиз. Ёши анчага бориб қолган, жуссаси кичик, қоратўр мўйсафид билан суҳбатлашиб қолдик. Гап пахтачилик тўғрисида бораётгани учун ота аллақандай ҳаяжон билан сўзларди.

— Пахта ичида ўсиб улгайдик, шу ерда чарчаймиз, шу ерда ҳордиғимиз чиқади. Қипқизил шудгорга умид билан ташлаган чигитимиз униб-ўсаркан, ғўзамиз бўйига бўй қўшаркан, бизнинг кўнглимиз ҳам ўсаётгандек бўлади.

Ота айтмоқчи, у жуда ёшлигидан бери пахтачилик билан шуғулланар экан. Ҳисобига етиш қийин. 71 ёшга кирган чол вояга етгандан бери қанча-қанча тонна пахта етиштирган экан. Қани энди шу отанинг меҳнати туфайли бунёдга келган пахта бир ерга жам қилинса эди, эҳтимол катта бир тўқимачилик комбинатининг бир-икки йиллик хомашёсича пахта чиқармиди. Отанинг ёшлик, ўрта ёшлик, қариялик умри давомида каналлардан, ариқлардан бошлаб келиб пахтазорларга тараган сувининг ҳажми бир ерга йиғилса, эҳтимол катта бир сув омборини ташкил қилар. Иброҳим ота бугунги меҳнатидан ҳурсанд. Уни биров далага чиқинг, ишлан, деган эмас, демайди ҳам. Отанинг тили билан айтганда, «суяги пахтазорда қотгани учун» ҳам кексайиб қолганига қарамай, ўз ихтиёри билан елкасига кетмон ташлаб, далага чиққан.

— Бу йил баҳор жуда ёмон келди, — дейди Иброҳим ота, — чигит экиш кунларидаги ҳурсандчилигимизни уни ундириб олиш кунларидаги хафачилик ташвиш босиб кетди. Нега десангиз, ерга тушган чигит без бўлиб туриб олди, тупроқда нам йўқ эди-да. Шундай пайтда сув беришга мажбур бўлдик, ана ундан кейинги ҳангомани кўрсангиз. Ўт чунон ўсиб бердики, қани энди уни куритолсак. Илдизи билан чопиб ташладик, сувдан кейин ернинг оби-тобида кўл билан юлдик, нима қилдикки, иш қилиб ўтнинг илдизига болта урдик. Ўт орасида мижгов бўлиб қолган ғўза ҳа деганда ўзини ўнглаб ололмади. Тупроқни агдариб чопиб, ерни кизитдик. Ўғит солиб, ғўзани боқдик. Толиҳимизга кун исиб берди, ана шундан кейин ғўза кўзга кўринди. Каттадан кичик меҳнатининг юзага чиқаётганлигини кўриб, ғайратга-ғайрат қўшди. Ғўза сув деса сув бердик, ўғит деса ўғит. Универсалчи йигитларга ҳам балли. Ишга биз билан баравар чиқиб, биз билан бирга қайтишди. Бири узунасига юрса, иккинчиси кўндалангига юриб турди. Бирёғдан колхозчилар, бирёғдан ана шу азамат универсалчилар ишга астойдил ёпишган эди, мана эндиликда ғўзамиз олди ғўзалардан бўлиб қолди.

— Ваъдамиз ҳам анчагина катта, пиёладаги чойдан хўплаб сўзида давом этди Иброҳим ота. — 17 гектар еримиз бор, шу ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта бермоқчимиз. Мана саратон ўтаяпти, шу ой ичи ишни бўшаштирмай, белни маҳкам бойлаб меҳнат қиламиз, 10 тадан бўлмаса ҳам, шу ой ичи ҳар бир туп ғўзамизда 7—8 тадан кўсак олдирамиз. Августга ўтиб шу кўсаклар ёнига кўсак қўшиш билан бирга, июлдаги кўсагимизни роса семиртириш учун ҳаракат қиламиз.

Отанинг бу гапларини шу бригадага бириктирилган универсалчи Ваҳоб Абдураҳмонов диққат билан тинглаб ўтирарди. У олдин бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуплаган эди, бригада бошлиғи Ҳамдам Султонов гап бошлаб юборди.

— Отанинг аҳди катта, биз у кишига ҳар қанча ёрдам керак бўлса берамиз. Кексайганда шунчалик меҳнат қилаётгани учун Иброҳим отадан миннатдормиз. Энди қариб қолдингиз, ётаверинг десак унамайдилар...

— Отамлар ётиб дам оладиган бўлсалар, бизни ким қитиқлаб туради, — деди кулиб универсалчи Ваҳоб Абдураҳмонов, — «универсал» бир нима бўлиб сал тўхтаб қолса, қаёқдандир дарров етиб келадилар-да, «ҳа нима бўлди, отинг ҳориб қолдими, қани, чу де, тезроқ манзилга етайлик» деб қистайдилар. «Универсал» ҳам отамлар келишлари билан «пат-пат» этади-ю, юради кетади...

Шундан кейин бригада бошлиғи Ҳамдам Султонов бир гапни айтиб берди. У бошлиқ бригада шу колхоздаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригада билан мусобақалашган экан. У бригада гектаридан 50 центнерни мўлжаллаётган бўлса, бу бригада ўз кучига қараб 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилипти. Бригада аъзоларининг ва шу бригадада хизмат қилаётган механизаторларнинг аҳди қатъий. Улар июль, август ойларида ишни бўшаштирмай, ҳарбир туп ғўзада социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бўлишига эришадилар.

Иброҳим ота Бойтурсунов билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, қўшни звенонинг бошлиғи Толип ота Олимбоев келиб қолди. Улар бир-бирлари билан қуюқ сўрашди, ҳазил-ҳузул қилишиб кулишди. Кейин жиддий оҳангда Иброҳим ота сўради.

— Гул қўпми?

— Ҳамма еримизда бўлмаса ҳам, кўпчилиги гуллади, кеча оралаб юриб кўриб қолдим, кўсак ҳам пайдо бўлипти...

— Тузуксизку, оғайни, — ўйланиб туриб деди Иброҳим ота, — Бизнинг ғўзалар ҳам ҳар қалай ёмон эмас, ривожи яхши. Мажбуриятимизга яраша ҳосил бўлади деган умиддамиз!

Икки мўйсафид суҳбатлашиб тўриб пахтазор оралаб кетишди. Иброҳим ота ўз қўшниси, мусобақадоши Толип отага ғўзаларини кўрсатиб юрарди. Шу пайт фото-мухбиримиз уларнинг суратини олиб қўйди.

Мана, қариганда халқ, Ватан бахт-саодати учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, бутун умрини пахтачиликни ривожлантиришга бағишлаган ҳурматли кексаларимиз! Кексалар аҳди катта. Уларнинг ҳар бири ўз звеносида гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилган.

С. МАҲКАМОВ.

Пискент районидаги Булганин номли колхоз.

Суратда: Иброҳим ота **Боймуродов** ўз ғўзаларини Толиб ота **Олимбоевга** кўрсатмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тарих музейида

Бу йил совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилади. Мамлакатимизнинг шонли юбилейини ижодкор халқимиз муносиб совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи илмий ходимлари ҳам бу улуғ кунни Ўзбекистон халқлари тарихи юзасидан илмий-текшириш ишларини олиб бориш, янги материаллар билан бойитиб турадиган фондлардан кенг фойдаланиш ҳамда ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини ҳикоя қилувчи кўргазмали экспонатларни кенгроқ уюштириш билан кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

С. Қосимхўжаев.

Яқинда мамлакатимизнинг бир қатор музей вакиллари СССР музейларининг барча ходимларига қарата «Музейларимиз Октябрнинг буюк ютуқлари пропагандисти бўлсин!» деган чақириқ билан мурожаат қабул қилдилар. Музейимиз ходимлари ҳам бу мурожаатга қўшилдилар. Чунки, унда ўтмиш ва ҳозирги замон фактлари ҳамда воқиаларини илмий равишда тушунтириб, меҳнаткашларга ижтимоий тараққиёт процессларини билиб олишда ёрдам кўрсатиш, уларни ёрқин коммунистик келажак учун курашда ғоявий жиҳатдан қуроллантириш сингари муҳим тадбирлар кўрсатиб ўтилган.

Кейинги йилларда музейимизнинг экспозицияси бирмунча яхшиланди, ўзбек халқи тарихига оид материаллар сони ортди. Бунда тарихий воқиалар, айниқса Октябрь кунларидаги воқиаларни янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам берувчи материаллар, архив ҳужжатлари, буюмлар характерлидир.

Музейда Октябрь кунлари воқиалари экспозициясини ўз ичига олган махсус революцион воқиалар тўғрисидаги янги материаллар, архив материаллари ва ёдгорликлар сақланади. Бўлим экспонатлари ёдгорликлар билан кўргазмали тарзда танишиш имкониятини беради. Бундан ташқари, залда Туркистондаги революцион ҳаракатга доир этнография буюмлари, схема, диаграммалар, қуроллар, суратлар ва расмларга ҳам катта ўрин берилган.

Музей экспозициясида Туркистондаги 1917 йил сентябрь ойи воқиаларини акс эттирувчи турли экспонатлар алоҳида ажралиб туради. «Октябрь воқиалари» деб аталган бу революцион ҳаракат Октябрь революциясига катта замин тайёрлади. Илғор рус ишчилари ва большевикларининг ўзбек халқи орасида олиб борган революцион пропагандистик ишлари маҳаллий халқнинг ўз озодлиги учун бошлаган курашини тезлаштириб юборди.

1917 йилнинг сентябрь ойида большевиклардан Шумилов ва Першин ўртоқлар раҳбарлигида 6.000 кишилик митинг ўтказилди. Митинг воқиасини акс эттирувчи экспонат кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Барельеф экспонат марказида Шумиловнинг митингга тўпланган ишчи-солдатларга қарата нутқ сўзлаётган вақти тасвирланган. Майдон ишчи-солдатлар билан лиқ тўлган. Ҳамма большевикнинг сўзларини зўр қониқиш билан тингламоқда. Ўзбек ишчилари ҳам митингда олдинги қаторлардан жой олишган. Худди шу бўлимда Шумиловнинг сургун пайтида кийиб юрган қалпоғи бор. Қалпоқ яқинда музей экспозициясига қўйилди.

Бўлим экспонатлари орасида ўша йилнинг 20 сентябрида ишчилар бошлаган забастовка воқиаларини баён қилувчи ҳужжатли фотосуратларни ҳам кўриш мумкин.

Меньшевик Наливкиннинг сотқинлиги билан Керенский томонидан Туркистонга жазо отряди юборилади. Ишчи-солдатлар бу жазо отрядига қарши кураш олиб борадилар. Фотосуратлар ана шу воқиаларга бағишланади.

Сентябрь кунларида Тошкент ишчи-солдат депутатларининг органи «Наша газета»ни нашр этиш ман этилади. Экспозицияга сентябрь кунлари даврида чиқарилган бу газетанинг айрим сонлари ҳам қўйилган. Бу ерда Шумилов бошчилигидаги революцион отрядларнинг Тошкентда олиб борган ишларига доир материаллардан айрим намуналар бор. Шунингдек, Қўқонда ишчиларни революцион курашга сафарбар қилиш учун тайёргарлик кўрган большевик Бабушкин фаолиятига бағишланган экспонатлар билан танишиш мумкин.

1917 йилнинг 27 октябрида (1917 йил 9 ноябрь) революция ғалабаси тўғрисидаги хушхабар Туркистон меҳнаткашларига ҳам етиб келди. Туркистондаги революцион комитет революция ғалабасини мустаҳкамлаш йўлида жанговар вазифаларни бажаришга киришди. Революцион комитетнинг бошлиғи В. С. Ляпин раҳбарлигида ўтказилган йиғилиш қуролли қўзғолон кўтариш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бўлимда бу қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилувчи штаб жойлашган бинонинг фотосурати кўзга ташланади. Музейда

М. Мирҳожиев.

қўзғолонда ишлатилган тўп сақланмоқда.

«Октябрь жангларида Тошкент картаси» рубрикаси остида қўзғолоннинг план схемалари берилган. Бу ерда қўзғолонлар бўлиб ўтган жойлар кўрсатилган. Экспозицияда Тошкент қуролли қўзғолонларига актив қатнашган кекса коммунистлардан О. Бобожонов, С. Қосимхўжаев, А. Қосимхўжаев, М. Мирҳожиевларнинг портрет ҳамда фотосуратлари бор.

Музейда яна бир ажойиб экспонат бор. Бу — 1917 йил 31 октябрда қўзғолон кўтарган ишчи ва солдатлар томонидан контрреволюциянинг таянчи — ҳарбий қалъанинг штурм билан олиниши моментини тасвирловчи барельефдир. Картина образлари экспонат композициясининг биринчи планида берилади. Ишчи солдатлар яхши қуролланган. Уларнинг чеҳаларида ғалабага ишонч ҳислари сезилиб турибди. Ҳамма фақат олдинга — қалъа томон бормоқда. Бу картина рус большевикларининг ўзбек меҳнаткашларига кўрсатган дўстона ёрдамини акс эттириб бериши жиҳатидан ҳам муҳимдир.

Октябрь кунларида Тошкент ишчиларига ёрдамга келган солдатлар жасорати, Тошкент шаҳар Госпиталь кўчасидаги жангларни кўз олдимизда гавдалантирувчи ҳужжатли фотосурат ва расмлар диққатни ўзига жалб этади.

Музейда Туркистоннинг революциядан кейинги даврини тарихини кўрсатиб берувчи бўлим ажратилган. Бўлимдаги экспонатлар, асосан, Туркистон Коммунистик партиясининг ташкил этилишига оид материаллардан иборат. 1918 йил июнида большевистик ташкилотларнинг биринчи ўлка съезди бўлиб, съезд Туркистондаги партия ташкилотларини ягона ташкилотга уюштирди — Туркистон Коммунистик партияси тузилди.

1918 йилнинг май ойи эса Туркистон халқлари ҳаётида катта воқиа бўлди — Туркистон Автоном республикаси тузилди. Мана шу тантана муносабати билан Туркистон шаҳарларида митинглар ўтказилади. Музейда Тошкент митинги қатнашчиларининг фотосуратлари бор.

Музей фондида сақланиб келаётган Туркистон республикасининг биринчи декретларининг фото нусхалари тамошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. 1918 йил 16, 29 март ҳамда 30 апрелда чиқарилган декретларда саноат корхоналари, босмахоналар халқ мулки деб эълон қилинган. Шунингдек, бу бўлимда Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, «Туркистон коммунисти» газета редакциясининг муҳрлари (печать) бор.

Экспозициянинг «Чет эл интервенцияси ва гражданлар уруши» деб аталувчи бўлими материаллари ҳам қизиқарли. Гражданлар уруши йилларида жангчиларга ҳизмат қилган ҳарбий қуролларнинг айримлари музейда сақланиб келинмоқда. Қилич, тўппонча, снаряд гильзалари, станокли тўп сингари қуроллар орасида коммунист А. Қосимхўжаевнинг музейга совға қилган милтиғи ҳам бор.

Бўлим экспозициясида В. И. Ленининг содиқ шогирдлари — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев каби отоқли арбобларнинг Туркистон республикасига келиб, меҳнаткашларнинг озодлиги ва бахт-саодати йўлида олиб борган ишларини ҳикоя қилиб берувчи ҳужжатлар алоҳида ажралиб туради.

Гражданлар уруши қизиб турган бир пайтда Туркистоннинг душман қуршовида қолиш хавфи бор эди. Шунинг учун В. И. Ленин Туркистон фронтига Фрунзени юборди. Фрунзе Туркистон фронтининг бош қўмондонлиги вазифасини шараф билан бажарди.

Музей экспозициясида Фрунзенинг катта ташкилий ишларини акс эттирувчи фотосурат ва расмларга кенг ўрин берилган. Шунингдек, бўлим экспонатлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевнинг Туркистон



О. Бобожонов.

фронти ҳарбий қисмларини кўрикдан ўтказиш моментини ҳикоя қилади.

Музей залларида тарихий воқиаларга бағишланган яна кўпгина экспонатлар борки, улар тамошабинларга Октябрь кунларидаги Туркистон республикасининг умумий аҳволи тўғрисида маълумот беради.

Ғ. РАШИДОВ,
Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг директори.

ХИТОЙ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ТЕЛЕГРАММАСИ

ПЕКИН, 5 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Г. М. Маленков, Л. М. Каганович, ва В. М. Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисида»ги қарори муносабати билан Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборилган телеграмма текстини Синьхуа агентлиги эълон қилди. «КПСС Марказий Комитетида бир овоздан қабул қилинган бу қарор, — дейилади телеграммада, — КПСС сафларини янада жипслаштиришга ва мустаҳкамлашга ҳизмат қилади деб ишонамиз. Хитой Коммунистик партияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан оғишмай ва маҳкам равишда бир бўлиб жипслаша беради ва Хитой билан Совет Иттифоқининг қардошларча улуғ иттифоқини янада мустаҳкамламоқ учун, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун, марксизм-ленинизм ишининг ғалабаси учун биргаликда кураша беради.

Хитой Коммунистик партиясининг Марказий Комитети».

1957 йил 5 июль.

«К. Е. ВОРОШИЛОВ ҚАРДОШ МУҒУЛИСТОНДА»

Янги ҳужжатли фильм

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг Мўғулистон Халқ Республикасида бўлишига бағишланган рангли ҳужжатли фильм Москвада кўрсатила бошлади.

Бу фильмда совет мамлакатидан келган ҳурматли меҳмоннинг аэродромда кутиб олиниши, Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк халқ хурали президиуми раиси Ж. Самбунинг нутқи ва К. Е. Ворошиловнинг жавоб нутқи сўзлагани суратга олинган. Тамошабин Улан-Баторнинг байрамдагидек безатилган чиройлик кўчаларида К. Е. Ворошиловни табриклаш учун чиққан минглаб кишиларни кўради. Операторлар К. Е. Ворошиловнинг МХР Буюк халқ хурали президиуми раиси Ж. Самбу билан, МХР Министрлар Совети раиси Ю. Цеденбал билан, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дамба билан ва Мўғулистоннинг бошқа раҳбар арбоблари билан учрашувини ва суҳбатлашувини суратга олганлар.

Фильмда Улан-Баторда мўғул ва совет халқларининг дўстлигига бағишланиб ўтказилган митинг, К. Е. Ворошиловга Сухэ-Батор ордени ва Мўғулистон Халқ Республикаси Қаҳрамони Олтин Юлдузини топшириш пайти кўрсатилган.

Тамошабинлар К. Е. Ворошиловнинг Сухэ-Батор ва Чойбалсан саганасига борганини, саноат комбинатининг цехларида, Давлат университети студентлари орасида ва «Замт» қишлоқ хўжалик бирлашмасининг аъзолари ўртасида бўлганини, мўғул пионерларига меҳмон бўлиб борганини, давлат музикали драма театри спектаклида бўлганини кўрадилар.

«К. Е. Ворошилов қардош Мўғулистонда» деган кинокартинани ҳужжатли фильмлар Марказий студиясининг ходимлари яратдилар. Мўғулистон Халқ Республикаси кинематография ходимлари яратган «Ҳозирги Мўғулистон» деган рангли ҳужжатли фильм ҳам Москва экранларига чиқарилди.

(ТАСС).

—⊙—

ФУТБОЛ БУЙИЧА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ «ФИОРЕНТИНА» (ИТАЛИЯ) — «СПАРТАК» (СССР)

5 июлда В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда «Фиорентина» (Италия) ва «Спартак» (СССР) командалари ўртасида футбол бўйича халқаро учрашув бўлди.

Ўйин тез суръат билан ўтди. Бу мароқли мусобақада 4:1 ҳисоби билан «Спартак» командаси ютиб чиқди.

(ТАСС).

Француз коммунистлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорига тўла равишда қўшилмоқдалар

ПАРИЖ, 5 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович ва Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарори муҳимлиги сабабли, Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг кеча очилган пленуми дастлабки кун тартибига ўзгартириш киритди ва, биринчи галда, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини муҳокама қилди. Бу масала устида Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Морис Торез доклад қилди. Торез КПСС XX съезди қарорларининг жуда катта аҳамиятини эслатиб ва кейинги воқиаларнинг ривожланиши бу қарорларнинг одилона қарорлар бўлганлигини исбот қилганлигини таъкидлаб, жумладан, бундай деди: «Сиёсий бюромизда биз КПСС Марказий Комитетининг қарорларини тўла равишда маъқуллаш мумкин, холос, деб ҳисоблаймиз. Бу қарорлар Марказий Комитет ичида вужудга келган раҳбарлар группасининг сиёсий позицияларига ва фракциячилик фаолиятига қарши XX съезд йўлини амалга ошириш учун кураш асосида қабул қилинганлар».

Сўнгра, Торез айтдики, партияга қарши группанинг фракциячилик хатти-ҳаракати партиянинг бирлиги учун, яъни барча коммунистларга жуда қимматли бўлган бирлик учун катта хавф эди. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, деди у, бутун халқаро ишчилар ҳаракати учун, ҳеч шубҳасиз, яхши оқибатларга эга бўлади.

Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми Торез доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Бу резолюцияда уқтириб ўтиладики, КПСС Марказий Комитети пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарори фақат Совет Иттифоқи Коммунистик партияси учунгина эмас, шу билан бирга, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг бу қарори, дейилади резолюцияда, барча мамлакатлардаги коммунистларга қаттиқ қўлликнинг ажойиб намунасидир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси айни бир вақтда ревизионизмга қарши ва догматизмга қарши кураш олиб бориб, ўз Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида марксизм-ленинизм фанини ривожлантиришга янги қимматли ҳисса қўшди. Гап партиянинг ҳаётий манфаатлари тўғрисида бораётган пайтда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мана шундай қаттиқ қўллилик қилиб кўрсатган ўрнаги ҳамма мамлакатларнинг коммунистлари томонидан тақдирланади, чунки Венгрияда ўтган йилнинг октябри-ноябрида бўлган воқиалар группалар ва фракциялар мавжуд бўлган партиянинг ажралиб кетиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди...

«XX съезд қарорларини бажариш йўлида турган тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумида бошланган ва муваффақият билан ўтказилган кураш, — дейилади сўнгра резолюцияда, — адолатли ва зарур курашдир. Бу курашни барча совет коммунистлари ва меҳнаткашларигина эмас, балки барча мамлакатларнинг коммунистлари ҳам қўллаб-қувватлайди. Марказий Комитет бутун Франция Коммунистик партиясининг, ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг ва илғор зиёлиларнинг ҳис-туйғуларини ифодалаб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарорига ўзининг тўла равишда қўшилганлигини билдиради ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳамда унинг Марказий Комитети билан ўзининг тўла равишда ҳамжиҳат эканлигини изҳор қилади».

Франция Коммунистик партияси Марказий комитети барча партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси тўғрисидаги қарорини муҳокама қилишни ва бу қарорни меҳнаткашларнинг манфаатларини, республика эркинликларини, тинчликни ҳимоя қилиш, барча демократик ва миллий кучлар иттифоқини вужудга келтириш учун ўзларининг бундан буён олиб борадиган ишларига негиз қилиб олишларини таклиф этди. Франция Коммунистик партияси Марказий комитети шуни айтадики, Марказий комитет партия бирлигини мустаҳкамлаш учун, партиянинг мафкуравий жипслиги учун, оппортунистларга, ревизионистларга, сектантларга ва догматикларга қарши кескин курашни давом эттира беради.

«Марказий комитет, — дейилади резолюциянинг охирида, — социализм учун жаҳон миқёсида олиб борилаётган курашнинг марказида турган совет халқини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ўзининг тўла равишда ҳамжиҳат эканлигига ишонтиради».

Шундан сўнг пленум ўз кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтди. Бугун пленум ўз ишини давом эттиради.

Индонезия Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида

ЖАКАРТА, 5 июль, (ТАСС). Яқинда бу ерда Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бешинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Индонезия Компартияси Марказий комитетининг бош секретари Айдит доклад қилди.

Айдит халқаро аҳвол тўғрисида гапириб, Индонезиядаги ички сиёсий вазиятга тўхталди. У дедики, партия Марказий комитетининг тўртинчи пленумидан кейин ўтган давр ичида мамлакатда рўй берган воқиаларнинг демократик ҳаракатнинг ривожланиб бораётганлигидан, барча прогрессив кучларнинг бирлиги кучайиб бораётганлигидан ва реакциячилар тобора кўпроқ яккаланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Шу билан бир вақтда, реакция демократия кучларининг ўсганлигидан ва мустамлакачиликка қарши кураш кучайиб кетганлигидан ташвишга тушиб, халқнинг бирлигини бузишга бутун бор кучи билан интилмоқда.

Докладда президент Сукарнонинг программаси эълон қилинганлиги катта аҳамиятга эга бўлди, дейилади. Маълумки, бу программа республикадаги аҳволни нормаллаштириш мақсадида мамлакатдаги барча сиёсий кучларни бирлаштиришни кўзда тутади. Халқ оммаси давлат ҳокимияти органлари билан бирликда, шу жумладан армия ва полиция билан бирликда, бу программани кенг равишда қўллаб-қувватлаётганлиги, деди Айдит, прогрессив кучларнинг ғалабасидир.

Шу билан бир вақтда Айдит ички реакция кучлари билан бирлашиб олган ташқи империалистик кучларга етарлик аҳамият бермаслиқ хавфи борлигини кўрсатиб ўтди. Шу Сабабли, деди у, партия хушёрликни ошириши лозим.

Докладнинг охирида Айдит ҳукуматнинг эътиборини иқтисодий ва молиявий проблемаларни ҳал қилишнинг муҳимлигига жалб қилди. Биз, деди у, ҳукумат «думалоқ стол конференцияси»да тузилган битимларни амалда тугатсин, деб талаб қиламиз. Жуанда ҳукуматининг муваффақият қозониши республикадаги аҳволнинг нормаллашувига ва «думалоқ стол конференцияси» битимларини тугатиш йўлидаги ўз ҳаракатини давом эттиришига боғлиқдир.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

БУДАПЕШТ, 5 июль. (ТАСС). «Непсабадшаг» газетасида Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтганлиги тўғрисида ахборот эълон қилинди. Пленум қабул қилинган қарорда бундай дейилади:

Венгрия социалистик ишчи партиясининг Марказий комитети КПСС Марказий Комитети Пленумининг Маленков, Каганович, Молотовларнинг партияга қарши группаси фаолиятини фош қилиб ташлаган қарорини маъқуллайди ва КПСС Марказий Комитетининг партия бирлигини ва КПСС XX съезди қарорларига асосланган сиёсий бош йўлни ва партиянинг бирлигини қатъият билан ҳимоя қилганлигини табриклайди. Мана шунинг ўзи партия бирлигини янада мустаҳкамлаш ва уни ҳар қандай ҳамлалардан ҳимоя қилиш ишида Венгрия социалистик ишчи партияси учун ҳам самарали ёрдамдир.

ПОКИСТОН УЛАМОЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратининг таклифига биноан, Покистон уламоларининг «Жамиятул Уламо Исломи Покистон» жамиятининг раиси М. А. Х. Бадаюний бошчилигида Совет Иттифоқига келган делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

Покистон мусулмонларининг вакиллари ўзбек халқининг турмуши билан танишмоқдалар. Улар бир қанча мачитлар ва дахмаларни зиёрат қилдилар, медицина институтини, тўқимачилик комбинатини, Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасини бориб кўрдилар. Улар Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан қабул қилинди.

Покистон мусулмонлари делегациясининг бошлиғи М. А. Х. Бадаюний ўз тассуротлари ҳақида гапириб, бундай деди:

— Биз Ўзбекистонда бир неча кундан бери меҳмон бўлиб юрибмиз, биз ҳоҳлаган нарсаларнинг ҳаммаси билан бизни таништиришга тайёр бўлиб турган чин дўстлар орасида юрганлигимизни ҳар дақиқада сезиб турибмиз. Биз кўп жойларга бордик ва Совет Иттифоқида дин эркинлиги амалда мавжуд эканлигини кўрдик. Ўзбек халқи қисқа муддат ичида нақадар катта ютуқларга эришганлигини ҳам кўрдик ва жуда кўп суҳбатларда буни билиб олдик. Делегациямизнинг аъзолари Ўзбекистонда турмуш нақадар ўзгарганлигини илгари ҳам ўқиб билган эдилар, лекин бизнинг ўз кўзимиз билан кўрган нарсаларимиз кутганимиздан ҳам ортиқ бўлиб чиқди. Ватанимизга қайтганимиздан кейин, сизларнинг республикангизда кўрган ҳамма нарсаларимизни айтиб берамиз.

Уламолар делегацияси 6 июлда Тошкентдан Самарқандга жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Алексей Николаевич Косигинни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми СССР Ўрта машинасозлик министри ўртоқ Михаил Георгиевич Первухинни СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Максим Захарович Сабуровни СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигининг бирлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Жўра **Хоназаровни** Ўзбекистон ССР Совхозлар министри вазифасидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Министлар Совети ўртоқ Жўра Хоназаровни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари ва шу министрликнинг коллегия аъзоси қилиб тайинлади ва уни Ўзбекистон ССР Совхозлар Министрлиги коллегияси раиси вазифасидан озод қилди.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино — 7/VII да **Ганг дарёсининг қизи**, 8/VII да **Ҳолисхон**, 9/VII да **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VII да кундуз **Травиата**, кечқурун **Мис чавандоз**, 9/VII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли рангдор фильм **Илья Муромец**.

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун **У сизни севади**, кеч соат 10 да **Кемалар қалъаларни штурм қилади**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Илья Муромец**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Ешликка саёҳат**.

«ВАТАН», «1-МАЙ» — **У сизни севади**.

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Ешликка саёҳат**.

«САЛЮТ» — **Биринчи севги қиссаси**.

Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети ва район ижроия комитети райком инструкторк Зубайда Қўқонбоевага унинг отаси Ғулом **ҚЎҚОНБОЕВНИНГ** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.



Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишини кўрсатувчи карта.



Октябрь революциясида ишлатилган тўп.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 34048, Маҳаллий ахборот бўлими — 135.

Р. 03571 «Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1841.